

Баҳор келар уни сўроқлаб

Жорий йилнинг 3- март куни "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факультети хотин-қизлар кенгаси раиси Р.Т.Кодирова бошчилигида факультет талаба қизлари ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, халқаро тинчлик учун кураш жарчиси Зулфия Истроилова таваллудининг 106 - йиллиги муносабати билан адиллар хиёбонига ташриф буюрдилар.



Р.Т.Кодирова шоира ижоди, босиб ўтган ҳаёт йўли тўғрисида талаба қизларимизга гапириб берди. Талаба қизларимиз Шоира шеърларидан ёд ўқидилар. Зиёратдан ҳаёт, баҳор, гўзаллик, садоқат, муҳаббат куйчиси Зулфия Истроилова ижодидаги ҳаётга муҳаббат, садоқат туйғуларини қалбларига жо қилиб мамнун бўлиб қайтишди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати